

## ЖИНОЯТ ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИДА ТАФТИШ ЎТКАЗИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

Бозорбоев Жавлон Хайрулла ўғли

Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси  
магистратураси “Прокурорлик фаолияти” йўналиши тингловчиси

**Аннотация:** ушбу мақолада тафтишнинг процессуал жиҳатлари, процессуалист олимларнинг фикрлари, тафтиш қонуний ўтказилиши тартиби, тафтиш тайинлаш мақсади, тафтиш ўтказувчиларнинг ваколатлари, тафтиш ўтказилаётган субъектларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, жараёнда процессуал нормаларга риоя этилиши, тафтиш ўтказилишини тартибга солувчи нормаларни такомиллаштириш каби масалалар тадқиқ этилган.

**Калит сўзлар:** тафтиш, тафтишнинг ҳуқуқий асослари, жиноят процессуал жиҳатлар, тафтиш ўтказувчи шахслар, тафтиш субъектларининг ҳуқуқлари

**Аннотация:** в данной статье исследуются такие вопросы, как процессуальные аспекты досмотра, взгляды ученых-процессуалистов, порядок проведения юридических ревизий, цели ревизии, полномочия проводников досмотра, права и обязанности субъектов, проходящих досмотр, соблюдение процессуальных норм в процессе, совершенствование норм, регулирующих проведение досмотра.

**Ключевые слова:** проверка, правовые основы проверки, уголовно-процессуальные аспекты, лица, проводящие проверку, права субъектов проверки

**Annotation:** This article examines such issues as the procedural aspects of the inspection, the views of procedural scientists, the powers of the inspection conductors, the procedure for conducting legal audits, the goals of the audit, the rights and obligations of the subjects undergoing the inspection, compliance with procedural norms in the process, improvement of the norms governing the inspection.

**Keywords:** revision, legal basis of revision, criminal procedural aspects, persons conducting revision, rights of subjects of revision

Бугунги кунда содир этилаётган жиноятлар орасида иқтисодий жиноятлар ўрни ортиб бораётганлиги ва улар орасида ҳўжалик юритувчи субъект мансабдор шахслари ўртасида мураккаб ва фош этилиши махсус билимларни талаб этувчи жиноятлар содир этилиши ҳоллари кўплаб учрамоқда. Жиноят ишини тергов қилиш даврида тафтиш бирор корхона, муассаса, ташкилотнинг муайян давр оралиғидаги молия-ҳўжалик фаолиятига тегишли ҳужжатларини ўрганиш мақсадида амалга оширилади. Ўзбекистон миллий энциклопедиясига кўра, тафтиш деганда бўлиб ўтган иш, ҳодиса ва бошқа юзасидан ёки ҳақиқий аҳволни аниқлаш мақсадида ўтказиладиган текширув, шунингдек корхона, компания, ташкилот, муассасалар молия-ҳўжалик фаолиятини, мансабдор шахсларнинг хизмат фаолиятини, ҳужжатлар,

бюджет муассасаларида бюджетдан ажратилган маблағларнинг мақсадли сарфланиши; бухгалтерия ёзувларининг тўғри юритилишини текшириш тушунилади<sup>84</sup>.

Жиноят процессида тафтиш ўтказиш масаласи процессуалист олимлар томонидан доимий равишда тадқиқ этилиб борилмоқда. Рус олими С.Голубятников тафтишни ўрганилаётган ташкилот томонидан муайян вақт оралиғидаги хўжалик ва молия операциялар асосли ва қонуний ўтказилганлиги, уларнинг бухгалтерия ҳисоботида тўғри акс этганлигини аниқлаш бўйича мажбурий назорат хатти-ҳаракатлар тизими сифатида тушунтирган.<sup>85</sup>

В.Танасевич эса тафтишнинг аҳамияти тўғрисида тўхталиб, уни яширин ўзлаштирилган қимматликларни аниқлаш воситаси сифатида таҳлил қилган<sup>86</sup>. Б.Мўминовга кўра, тафтиш жиноят-процессидан ташқари ҳуқуқнинг бошқа тармоқлари, жумладан маъмурий ҳуқуқ, молия ҳуқуқи, тадбиркорлик ҳуқуқида ҳам кенг фойдаланилади ва мазкур ҳуқуқ тармоқлари томонидан тартибга солинади. Бу эса тафтишни фақатгина жиноят-процессуал қонунчилиги асосида тартибга солишнинг имкони йўқлигини англатади<sup>87</sup>. Умуман олганда, тафтиш молиявий назоратнинг бир шакли сифатида хўжалик соҳасида содир этилган жиноятларни аниқлаш ёки уларнинг содир этилишини олдини олишда катта имкониятларга эга. Шу боисдан ҳам тергов органлари ўзларининг фаолиятида тафтиш натижаларидан доимий равишда фойдаланишади.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида жиноят ишлари бўйича тафтиш ўтказиш билан боғлиқ процесуал нормалар номукамал ва такомиллаштиришга муҳтож ҳисобланади.

Ҳозирда мавжуд процесуал моддалар тизими тафтиш жараёнида иштирок этувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини тўла таъминлай олмайди.

Жиноят иш юритувида махсус иқтисодий билимлардан фойдаланишнинг мутахассисни жалб қилиш масалалари махсус адабиётларда кенг муҳокама этилаётган муаммолардан биридир. Зеро мутахассис илмий-техника воситаларни қўллаш, тегишли ҳужжатлардаги ҳисоб ва ҳисоботлар бўйича фикр билдириш, гумон қилинувчи, айбланувчи, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ва бошқа шахсларни сўроқ қилишда саволларни шакллантиришга ёрдам бериш, ҳужжатларни кўздан

<sup>84</sup> <http://ensiklopediya.uz/>

<sup>85</sup> Судебная бухгалтерия : курс лекций / С. П. Голубятников, Е. С. Воронов, А. Н. Леханова, А. Н. Мамкин. – Нижний Новгород : Нижегородская академия Министерства внутренних дел Российской Федерации, 2013. – 354 с. – EDN WSZGDZ. <https://www.elibrary.ru/item.asp?id=27005940&>

<sup>86</sup> Овчаренко Н.Б. Порядок назначения и производства ревизии по делам о хищениях путем присвоения или растраты // Криминалистика: вчера, сегодня, завтра. 2017. №3 (3). -2с. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/poryadok-naznacheniya-i-proizvodstva-revizii-po-delam-o-hischeniyah-putem-prisvoeniya-ili-rastraty>

<sup>87</sup> Мўминов Б.А. Судга қадар иш юритувида махсус иқтисодий билимлардан фойдаланишни такомиллаштириш. Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. –Т.: 2018, -63б.

кечириш, ҳужжатларни хатлаш ва олиб қўйиш учун ажратиб олиш ва бошқа қатор ҳолатларда ўзининг махсус билимларидан келиб чиққан ҳолда ваколатли органларга жинойт иш бўйича ёрдам ва хулоса бериш учун чақирилади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 187<sup>2</sup>-моддаси 1-қисмига кўра, тафтиш терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган мансабдор шахсининг, суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг қарори ёки суднинг ажрими билан тайинланади. Бу ҳолатда тафтишни тайинлаш ваколатининг турли мансабдор шахсларда мавжудлиги ушбу соҳадаги ҳуқуқбузарликлар ва коррупцион ҳолатларнинг кўпайишига хизмат қилади ва ушбу тафтиш тайинлаш ваколатининг судларга ўтказилиши масаласи бугунги жинойт-процесуал нормалар тизимини такомиллаштиришга оид яна бир муҳим қадам бўлиши муқаррар.<sup>88</sup>

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 187<sup>3</sup>-моддасига кўра, тафтиш ўтказиш учун тайинланадиган шахслар сифатида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жинойтларга қарши курашиш департаментининг, давлат солиқ хизматининг, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ва ҳудудий молия органларининг мутахассислари иштирок этиши мумкинлиги келтирилган, аммо зарур бўлган ҳолларда, суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг қарорига ёхуд суднинг ажримига кўра бошқа давлат органлари ва ташкилотларнинг ходимлари ҳам тафтиш ўтказиш учун жалб этилиши мумкин деб кўрсатиб ўтилган. Ушбу ҳолатда, “бошқа давлат органлари ва ташкилотларнинг” деган жумла мавжуд бўлиб, бу амалиётда кўп муаммоли ҳолатлар келтириб чиқармоқда. Масалан, айрим тафтиш тайинлаш билан боғлиқ ҳолатларда бошқа давлат органлари ва ташкилотларнинг ходимлари дейилган, лекин шу ўринда ташкилот сўзига аниқлик киритилмаган бўлиб, бу сўз давлат сўзига тегишлими ёки алоҳида хусусий ташкилотми деган ҳолат мунозараларга сабаб бўлмоқда. Шунинг учун, қонунчиликдаги ушбу “бошқа давлат органлари ва ташкилотларнинг” деган жумлани “бошқа давлат органлари ва давлат ташкилотларнинг” жумласига ўзгартириш керак бўлади. Шу орқали, қонунчиликдаги бу бўшлиқни бартараф этилган бўларди.

Амалиётда жинойт ишларини тергов қилишда аудиторлик текширувдан кам фойдаланилади. Бунга сабаб аудиторлик хизмати текширувни белгилаган орган ҳисобидан, ҳақ тўлаш амалга оширилиши керак. Бироқ терговга қадар текширув материалларида аудиторлик хулосасидан фойдаланилади. Сабаби, кўпгина ҳолларда хусусий сектордаги қонун бузилиш ҳолатлари, мулкдорнинг ташаббуси билан жалб қилинган аудитор текширув натижасида аниқланади. Мазкур ҳолатлар юзасидан қўзғатилган жинойт ишларида аудитор мутахассис сифатида иштирок этиши ва сўроқ қилиниши мумкин. Шунга ўхшаш тафтиш ўтказилаётган ташкилотдан ҳам ҳақ

---

<sup>88</sup> Мўминов Б.А. Судга қадар иш юритувида махсус иқтисодий билимлардан фойдаланишни такомиллаштириш. Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. –Т.: 2018, -636.

ундиришни таъқиқлаш керак, чунки ҳақ ундириш аудиторлик текшируви натижасида ташкилотга юклар кетилади.

ЎзР ЖКК 187<sup>11</sup>-моддасида тафтиш ўтказувчи шахслар ўз ваколатлари доирасида тафтиш ўтказиш жараёнида қонунчиликнинг аниқланган бузилишлари бартараф этилишини талаб қилиш ҳуқуқига эгаллиги белгилаб қўйилган бунда бизнинг фикримизча аниқланган ҳуқуқбузарликларни бартараф этишни талаб этиш жиноятчилар томонидан содир этилган ёки содир этилаётган жиноий хатти-ҳаракатларни яширишга, далилларни ёқ қилишга уриниш, тафтиш ўтказувчи шахс билан келишишга ҳаракат қилиш каби кўплаб оқибатларни юзага келтириши мумкин. Ушбу камчиликларни эътиборга олган ҳолда жиноий-процессуал нормаларни такомиллаштириш жараёнида давом эттирган ҳолда ушбу қонундан “тафтиш ўтказувчи шахслар ўз ваколатлари доирасида тафтиш ўтказиш жараёнида аниқланган бузилишлари бартараф этилиши бўйича чораларни кўради” кўринишида ўзгартириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

ЎзР ЖКК 187<sup>5</sup>-моддасида тафтиш ўтказиш тартиби белгиланган бўлиб унга кўра тафтиш ўтказиш учун тайинланган ваколатли шахслар текширилаётган субъектнинг мансабдор шахсларини ёки вакилларини тафтиш ўтказиш учун асос бўлган ҳужжатлар билан тафтиш ўтказиш бошлангунига қадар таништириши, шунингдек текширувларни рўйхатдан ўтказиш китобига ёзув киритиши шарт ушбу тартиб яъни ўзига нисбатан текширув (тафтиш) ўтказилаётган шахслар айнан қайси ҳужжатларга асосан уларга нисбатан шундай текширув тайинланганлигини билиши ва ҳимоя ҳуқуқини таъминлаш мақсадида жорий этилган. Шунингдек бундай тартибга амал қилинмаслиги ҳимоя ҳуқуқининг чекланиши ўлароқ процессуал нормаларнинг бузилиши сифатида ҳуқуқий баҳо берилиб ушбу текширув натижаларига нисбатан процессуал нормаларни бузган ҳолда олинган далиллар сифатида қаралиши лозим.

Тафтиш тайинлаш тўғрисидаги ҳужжатлар яъни қарор, ажрим шунингдек тегишли ваколатли органнинг тафтиш ўтказиш ҳақидаги буйруғининг кўчирма нусхалари текширилаётган субъектнинг мансабдор шахсига ёки вакилига имзо қўйдириб топширилган, шунингдек улар хизмат гувоҳномаси ва тафтишга рухсат бериш тўғрисидаги махсус гувоҳнома билан таништирилган пайт тафтиш ўтказиш бошланган пайт деб ҳисобланади. Кўчирма нусхаларни ёки тегишли тартибдаги гувоҳномани тақдим этмасдан тафтишнинг бошланиши тафтишнинг процессуал нормаларни бузган ҳолда ўтказилган деб топилишига олиб келиши мумкин.

Тафтиш жиноят процессининг жиноятни фош этиш юзасидан олиб бориладиган процессуал ҳаракатларнинг энг муҳим турларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистонда тафтиш билан боғлиқ нормалар нисбатан яқинда Жиноят процессуал кодексига киритилган бўлиб ҳамон ушбу процессуал нормалар такомиллаштирилиши талаб этилади. Тафтиш ўтказиш билан боғлиқ ўзига хос жихатлардан яна бири бу жараёнда юқори технологиялардан фойдаланиш ҳамда жараён иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини таъминлашдир.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга тақдим этган Мурожаатномаси // Халқ сўзи. 2020 йил 25 январь.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2021 йил 6 январда Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномаси // <https://president.uz/uz/lists/view/4057>.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 ноябрдаги ПФ5268-сонли «Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 01.12.2017 й., 06/17/5268/0341-сон.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги «Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3723-сон қарори // <https://lex.uz/docs/3735818>.
5. Жиноят процесси. Умумий қисм. / З.Ф.Иноғомжоновнинг умумий таҳрири остида. -Т.: Янги аср авлоди, 2002. –Б.101.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги ПФ4850-сонли «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 43-сон, 497-модда
7. Мўминов Б.А. Судга қадар иш юритувида махсус иқтисодий билимлардан фойдаланишни такомиллаштириш. Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. –Т.: 2018, -63б.
8. Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2017 йил 12 июндаги 100-сон буйруғи билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларида суриштирув ва дастлабки терговни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома»
9. Овчаренко Н.Б. Порядок назначения и производства ревизии по делам о хищениях путем присвоения или растраты // Криминалистика: вчера, сегодня, завтра. 2017. №3 (3). -2с. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/poryadoknaznacheniya-i-proizvodstva-revizii-po-delam-o-hischeniyah-putem-prisvoeniya-ilirastraty>
10. Анапольская, А. И. (2014). Порядок подготовки и назначения судебно-бухгалтерской экспертизы по делам о мошенничествах и связанных с ними преступлениях, совершаемых в сфере функционирования электронных расчетов. Актуальные вопросы борьбы с преступлениями, (1 (1)), 66-68.
11. Маткаримова, Н. М. (2020). Хоразмнинг анъанавий таомлари (монография-альбом). Школа Науки, (8-2), 1-33.

14. Jamolov, R. Q., Xatamova, D. M., & Xolmatova, M. A. (2022). ASALARICHILIK VA UNING AHAMIYATI. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 2(10-2), 644-649.

15. Malika, U. (2023). Cerebral Ischemia in Patients with Atrial Fibrillation. Central Asian Journal of Medical and Natural Science, 4(1), 68-71.

16. Malika, U. (2023). Relationship between Heart Rate and Cerebral Circulation. Research Journal of Trauma and Disability Studies, 2(1), 58-66.

17. Умарова, М., & Кодиржонов, Н. (2022). ТРОМБОЛИТИЧЕСКАЯ ТЕРАПИЯ В ЛЕЧЕНИИ ИШЕМИЧЕСКОГО ИНСУЛЬТА. Theoretical aspects in the formation of pedagogical sciences, 1(5), 218-220.

18. Умарова, М. (2021). ИНСОМНИЯ ВА МЕТАБОЛИК СИНДРОМНИНГ ЎЗARO КОМОРБИДЛИГИ МУАММОНИНГ ДОЛЗАРБЛИГИ. Интернаука, (20-7), 29-30.

19. Умарова, М. (2021). ИНСУЛТДАН КЕЙИНГИ ТАЛВАСА СИНДРОМИ. Интернаука, (18-5), 46-48.

20. УМАРОВА, М. МИГРЕН КАСАЛЛИГИ ВА УНИНГ ШОШИЛИНЧ ТЕРАПИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ. ИНТЕРНАУКА Учредители: Общество с ограниченной ответственностью "Интернаука", 93-94.